Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 16-aprel, seshanba № 48 (3241)

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНГИ АМАЛИЙ МАЗМУН БИЛАН ЯНАДА БОЙИТИШ ЙЎЛИДА

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 14-15 апрел кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларда олий даражадаги сиёсий мулоқотлар мунтазамлик касб этган. Ислом Каримов 2010 йилнинг апрел ойида расмий ташриф билан Россияда бўлди. 2012 йилнинг июн ойида Владимир Путин расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Мазкур ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Стратегик шериклик чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация ва бошқа бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам алоқалар йўлга қўйилган. Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров жорий йилнинг 5 апрелида ташриф билан Тошкент шаҳрида бўлди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида имзоланган қарийб 200 давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини ташкил этади. 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ва 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдаги асосий ҳужжатлар бўлиб, мазкур шартномаларда ҳарбий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ўзаро шерикликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланган. Ушбу шартномаларда миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, терроризмга, оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига ҳамда янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш масалаларида яқин ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган.

Президент Ислом Каримовнинг Россияга расмий ташрифининг асосий тадбирлари 15 апрел куни Кремлда бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг тор доирадаги учрашувида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммолар, жумладан, Афғонистондаги вазият ривожи, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликнинг тарқалишига қарши курашиш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари давлатларимизнинг БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлиги масалаларини кўриб чиқдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги муҳокамаларда асосий эътибор иқтисодий ҳамкорлик масалаларига қаратилди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистон — Россия муносабатларининг мустаҳкам асосини ташкил этиши таъкидланди. 2012 йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 12,6 фоиз ўсди ва 7,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги ўсиш 20 фоизга етди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қарийб 850 Россия — Ўзбекистон компанияси фаолият кўрсатмоқда, мамлакатимизда Россиянинг 100 дан ортиқ корхоналарининг ваколатхоналари рўйхатга олинган. Россияда Ўзбекистон капитали иштирокидаги 400 дан ортиқ компания фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик ёқилғи-энергетика соҳасида фаол ривожланмоқда, Россиянинг йирик нефт-газ компаниялари мамлакатимизда муваффақиятли ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Музокараларда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналарни ташкил этиш орқали сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, товар айирбошлашни кўпайтириш, транспорт, транспорт коммуникациялари соҳасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик, ёқилғи-энергетика комплекси ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ўзаро ҳамкорлик масалалари Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги Ҳукуматлараро иқтисодий ҳамкорлик комиссияси фаолияти доирасида кўриб чиқилмоқда. 2012 йилнинг декабрида Тошкентда ушбу комиссиянинг 14-мажлиси бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида комиссия фаолияти ва истиқболдаги режалар муҳокама этилди.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм бўйича вазирлик ва идоралар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, фанлар академиялари, илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашни кўзда тутувчи гуманитар соҳадаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашди.

Тошкентда М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, И.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университети филиаллари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Музокаралар якуни бўйича Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида битим, 2013-2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2013-2015 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик дастури имзоланди. Шунингдек, ташриф доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муассасалари, божхона ва солиқ хизматлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар қабул қилинди.

Ислом Каримов ва Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар очиқ ва ўзаро ишонч руҳида ўтгани, кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан томонларнинг позицияси ҳамда фикрлари бир-бирига ўхшашлиги ва яқинлигини, имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат халқлари манфаатлари йўлида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг расмий ташрифи ниҳоясига етди. Ишчанлик муҳитида ўтган музокаралар, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Россия кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, муносабатларни янги амалий мазмун билан янада бойитиш йўлидан бораётганини таъкидлаш учун асос бўла олади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент-Москва-Тошкент.

Бошланғичларда нима гап?

Қарши шаҳри Шайхали қўрғонида жойлашган «Дунё-М» корхонасида 700 нафарга яқин киши меҳнат қилади.

— Жамиятимизда асосан ун, макарон, нон ва нон маҳсулотлари, омухта ем, уруғлик дон тайёрланади, — деди биз билан суҳбатда бошқарув раиси ўринбосари Фахриддин Аҳмедов. — Нишон, Касби, Миришкор туманларида ёзги дон қабул қилиш шохобчаларимиз, Шаҳрисабз ҳамда Миришкор туманларида филиалларимиз бор. Бизда маҳсулот сифатига катта эътибор қаратилади.

«ДУНЁ-М» ЁРЛИҒИ БИЛАН

Бу ерда барча жараён аёллар ва болалардаги темир моддаси етишмовчилиги, камқонликнинг олдини олишга йўналтирилган унни фортификациялаш миллий дастурига мувофиқ амалга оширилади. «ISO 9001» халқаро стандарт талаби ҳамда «ISO 22000» маҳсулот хавфсизлиги талаблари асосида ун ишлаб чиқарилади.

Абдусамад Комилов, Қўлдош Рўзмамедов, Панжи Бердиров, Исмоил Ҳасанов каби тажрибали, фидойи ходимлар ёшларга ҳар томонлама ўрнак бўлишяпти.

Сўз орасида ходимларга яратилган шароитлар билан қизиқдик.

— Ходимлар йилда бир марта корхона ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказилиб, шу асосда даволаш муассасаларида саломатликларини тиклаш учун муолажа олишади. Бундан ташқари, касаба уюшма ташкилотимиз кўмагида истовчилар учун сиҳатгоҳларга ҳам йўлланмалар ажратилади. Ҳар йили корхона ҳисобидан ходимларнинг 200 нафарга яқин фарзанди Шаҳрисабздаги «Гулнора» оромгоҳида ҳордиқ чиқаради. Тарихий шаҳарларимизга саёҳатлар ташкил қилинади. Корхонада ишчиларга махсус иш кийимлари ажратилган бўлиб, меҳнат хавфсизлиги ва техника хавфсизлигига мутахассис Санжар Йўлдошев масъул.

Касаба уюшма қўмитаси раиси Мамаражаб Бекмуродов спорт ва маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишда анча катта тажрибага эга, касбини сидқидилдан бажарадиган етакчилардан. Байрам саналари арафасида кам таъминланган ишчиларга моддий ёрдам кўрсатиш анъанага айланган. Нафақа ёшига етган фахрийлар эъзозда.

— «Бибихоним-гўшт-сут» шўъба корхонамизда 10 мингта парранда, 300 бош қорамол, 500 бош қўй боқиляпти, — деди суҳбат асноси Ф.Аҳмедов. — Ўтган йили хориждан зотли қорамоллар келтирилганди. Бугун уларнинг сони юзтага яқинлашиб қолди. Бундан ташқари, 2012 йилда Шаҳрисабз туманида 31 гектар ерга Полшадан келтирилган олма кўчатларини ўтказгандик. Бу йил яна 25 гектар ерда янги боғ яратилиб, натижада бир неча янги иш ўринлари вужудга келди.

Айни пайтда Шайхали қўрғонида жойлашган маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўқув амалиётини корхонамизда ўтказишяпти. Иқтидорли битирувчилар ишга қабул қилинади.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Қишлоқ қурилиши

ШИНАМ УЙЛАР — ОБОД ТУРМУШ ТИМСОЛИ

Қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштиришга бугун киришилгани йўқ. Мамлакат истиқлолининг илк кунлариданоқ Президентимиз бу масала ҳақида жиддий ўйлаб кўришни уқтирган эди. Янги қиёфадаги қишлоқлар, барча шароитга эга турар жойларга асос ўша дамлардан бошланган.

Яқин-яқингача, қишлоқ жойларда ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари деган гап бўлмаган. Одамлар ҳовли ва иморатларини хоҳлаган йўсинда қуришарди. Оқибатда ҳовлилар ўртасида битта кўчага аранг жой қолдириларди. Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори замонавий қишлоқсозликка асос солди. Кўрганда кўз қувонадиган, юрганда ҳавасинг ортадиган янги мавзелар кўпаймоқда. Бу йил биргина Самарқанд вилоятининг 30 та мавзесида ана шундай замонавий қишлоқлар қурилиши бошлаб юборилган. Халқимиз «Минг марта эшитгандан бир бор кўрган яхши» дейди. Келинг, яхшиси, ана шу гўзал гўшаларга бир назар ташлайлик.

(Давоми 3-саҳифада)



Пленум

Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди. Йиғилишда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Шавкат Мингалиев 2012 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берди.

ТЎҒРИ ХУЛОСА
муваффақият гарови

— Тармоқ меҳнаткашларининг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишни тобора яхшилаш учун бор имкониятлар ишга солиняпти, — деди Ш.Мингалиев. — Бунда давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун тузилган битим ҳамда шартномалар қўл келаяпти. Мустаҳкам оила йилида кам таъминланган, кўп болали оилалар ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилди. 2011 йил ана шундай оилалардан 52 минг 388 тасига моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, ўтган йили 179 минг 566 та оилага 39 миллиард 275 миллион сўмлик ижтимоий кўмак берилди.

Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш масаласида яхши натижаларга эришилди. Мурожаатларнинг аксарияти ўз ечимини топди. Иш берувчиларга 500 дан зиёд тақдимнома киритилди.

Марказий кенгашнинг меҳнат муҳофазаси бўйича бўлим мудири Ғайрат Умаров тармоқдаги корхона ҳамда ташкилотларда меҳнат муҳофазасини яхшилашда касаба уюшма ташкилотларининг ўрни тўғрисида гапирди.

Тармоқ ходимлари меҳнатини муҳофазалаш, уларга кўнгилдагидек меҳнат шароити яратиш мақсадида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари корхона маъмуриятлари билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтирмоқдалар. Саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ 21 та корхонада ишлаб чиқаришда нохуш ҳодисалар содир бўлмади.

Шундан сўнг Марказий кенгаш раёсати аъзоси, меҳнат фахрийси Леонид Глушко, Тошкент халқаро аэропортининг меҳнат муҳофазаси бўйича бўлим бошлиғи Шавкат Сафаев, учиш мажмуасининг меҳнат муҳофазаси муҳандиси Ҳамро Маткаримов, меҳнат фахрийси Борис Кобзар, «VAT» бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Лариса Фокина, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўлими мудири Ўрол Адилов ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилишда фаолиятга тааллуқли бир қатор масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Янгиликлар оқимидан

ЖИЗЗАХ

«Жиззах темир-бетон буюмлари заводи»да 36 турдаги қурилишбоп ҳамда ирригация-мелиорация соҳасида қўлланиладиган маҳсулот тайёрланмоқда.

РЕЖАДА БОР

Ҳозиргача қишлоқ хўжалиги корхоналарига икки мингтадан ортиқ ирригация лотоклари ва уларга таянч темир-бетон буюмлари етказиб берилди.

Яқин орада оҳак ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилган.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

НАВОИЙ

Кармана туманидаги «Осиё» ресторанида Навоий вилоят ҳокимлиги, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси вилоят бўлими, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида «Боланинг бегонаси бўлмайди» мавзуида хайрия акцияси ташкил этилди.

БОЛАЛАРНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Унда Навоий шаҳар «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларидан уч болакайнинг суннат, беш нафар қизалоқларнинг мучал тўйлари ўтказилиб, уларга совға-саломлар топширилди.

Эл суйган санъаткорларнинг куй ва қўшиқлари тадбирга ўзгача кўтаринки руҳ бағишлади.

Мансур АЛОВУДДИНОВ

БУХОРО

Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари аъзоларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, иқтидорини аниқлаш ва рўёбга чиқариш мақсадида кенг кўламли ишларни амалга ошираётир.

ЮРТ ТАРАННУМИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан барча шаҳар ва туманларда ўтказилаётган «Санъатим сенга, ободюртим!» бадиий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича кўриктанлов барчани мамнун этаяпти. Шу кунгача ўттиздан ортиқ шундай тадбир ўтказилди ва уларда минг нафарга яқин ишчи-ходим қатнашди. Ижро этилган куй ва қўшиқлар, жозибали рақсларда юрт ободлиги, фаровонлиги мадҳ этилиб, истиқлолимизга бўлган шукроналик туйғулари тараннум этилмоқда.

Айни кунларда дастлабки босқич ғолиблари туман ва шаҳар миқёсидаги кўрик-танловларда ўз маҳоратларини намойиш этишаяпти. Ғолибликка эришган ҳаваскорлар май ойида бўлиб ўтадиган вилоят босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритишади.

Розия НУСРАТОВА,
Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси

СУРХОНДАРЁ

Термиз шаҳар марказидаги Бобур номидаги истироҳат боғининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

БОБУР БОҒИ

Бунёдкорлар томонидан кенг кўламли қурилиш ва қайта қуриш ишлари олиб борилган ушбу маскан ўзгача чирой ва тароват касб этиб, болажонларга чексиз завқ-шавқ бағишламоқда. Мусиқали ҳамда рангли фаввора атрофи ҳамиша гавжум.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими Н.Чориев иштирок этди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Jshonch
2013-yil 16-aprel № 48 (3241)

Намунали туман кенгашларида

ИСЛОҲОТ ВА ИСТИҚБОЛ

Фарғона деганда, аввалambор, «Олтин водий» деб ном олган, ҳақиқатдан ҳам, Ўзбекистонимизнинг гавҳари бўлган гўзал диёр кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Бу замин одамларининг меҳнаткашлиги, меҳмондўстлиги таърифга сиғмайди. Энг муҳими, бугунги кунда вилоятдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари дориломон кунлар нафаси билан яшаётган кишиларни янада руҳлантираётгани, улкан ютуқлар сари чорлаётганига шубҳа йўқ. Эрта тонгдан Фарғона шаҳрига, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига келар эканмиз, шаҳар марказида олиб борилаётган кенг кўламли қурилиш ишлари эътиборимизни тортди. Тез орада янги, бир-биридан гўзал иморатлар, кенг ва равон йўллар, обод ва салқин хиёбонлар шаҳар кўркига кўрк қўшади.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ФАРҒОНА

— Пиёда юришни хуш кўраман. Фарғонанинг гоҳ у даҳаси, гоҳ бу даҳасидан ўтиб борар эканман, ҳайратга тушаман. Шитоб билан ишлаётган экскаваторлар, тупроқ сураётган қудратли механизмлар гулдуроси, янги йўллар очаётган ишчиларнинг югуриб-елишлари... Буларнинг ҳаммаси одамни ҳайратга солиши табиий. Нариги даҳага ўтсангиз ҳам шунга ўхшаш манзара. Гоҳо чанг-тўзон ичидан ҳам ўтишингизга тўғри келади, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов. — Лекин, бу хайрли чанг-тўзон. «Қизиқ-ку, чанг-тўзоннинг ҳам хайрлиси бўладими?» — деган савол туғилиши мумкин. Бўлади! Шаҳар ёки қишлоқлар янгиланаётган ёки қайта қурилаётганда бунақа чанг-тўзон ва қудратли механизмларнинг гулдуроси, албатта, хайрли бўлади! Фарғонамиз бугунги кунда худди ана шундай гулдуруслар ичида янгиланаяпти, қайта қуриляпти, кенг, равон, баҳри-дилингизни очадиган йўллар пайдо бўляпти! Бир-биридан ҳашаматли иншоотлар, кўркам, замонавий кўп қаватли уйлар қад ростлаяпти. Спорт иншоотлари бунёд этиляпти. Фарғона қайта қуриляпти, янгиланаяпти, чирой очяпти.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан вилоят ҳудуди тобора обод бўлиб бормоқда. Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012 — 2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммуникация инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича махсус дастурга асосан, бу ерда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари кишини ҳайратга солади. Шу ўринда касаба уюшма фаоллари ҳам ушбу бунёдкорлик ишларига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

* * *

Вилоятда намунали деб топилган Қува туманига йўл олар эканмиз, баҳорнинг авжи палласида йўл атрофининг ниҳоятда гўзаллашганига амин бўлдик. Гуркираб ётган боғлар, кўзни қувонтирадиган экинлар қўли гул водий аҳлининг меҳнаткашлигидан дарак беради.

— Кейинги икки йилда бошланғич ташкилотларнинг фаоллигини ошириш масаласига касаба уюшмалари олдида турган асосий вазифалардан бири сифатида қараб келинаяпти, — дейди касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Дадажонов. — Бу республика, вилоят даражасидаги барча тадбирларда таъкидланаяпти. Бошланғичлар ҳисобида қоладиган маблағ фоизининг кўпайтирилиши ва бошқа кўплаб имтиёзлар берилиши ҳам айнан шу мақсадга қаратилган. Бошланғич ташкилот кучли бўлса, меҳнаткаш ўз меҳнатидан келадиган манфаатни ҳис қилса, касаба уюшмаси фаолиятининг натижаси кўринади. Вилоятимизда бир тажрибани йўлга қўйиб, март ойининг ўрталарида Қува туманидаги касаба уюшма ташкилотлари учун амалий семинар ўтказдик. Эътиборли томони, йиғилиш ўтказишни бошланғичлар раисларининг ўзларига қўйиб бердик. Қарангки, самара кутилгандан яхшироқ бўлди. Етакчиларимиз жамоа шартномасининг бажарилиши, бошланғичларга яна қандай ёрдам берилиши кераклиги тўғрисида эркин фикр алмашишди. Бир-бирларининг тажрибаларини ўрганишди.

ЧЕВАРЛАР ҲУЗУРИДА

Тумандаги илк манзилимиз «Quva tekstil» МЧЖ бўлди. Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Д.Ғофурова бизни цехлар билан таништирар экан, жамият фаолияти ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Жамиятимизда 504 нафар ходим меҳнат қилади. Шулардан 399 нафари аёллардир. Бир сўз билан айтганда, бизда пахта хом ашёси тайёр маҳсулот бўлиб чиқади. Маҳсулотларимизга харидор кўп, уларни асосан чет мамлакатларга экспорт қиламиз. Бу ерда ҳар хил турдаги калава иплар, турли ўлчамдаги сочиқ, халат ва чойшаблар ишлаб чиқарилади. Харидорлар буюртмасига қараб ишлаб чиқариш тури кўпайиб бораверади. Корхона ривожида тикувчи қизларимизнинг, жумладан, Муаззамхон Отабоева, Рашидахон Қосимова каби илғорларимизнинг алоҳида ўрни бор.

Жамиятда барча қулайлик мавжуд бўлиб, тиббий бўлим, санитария-гигиена ҳамда кийим алмаштириш хоналари ишчилар хизматида. Уларнинг келиб-кетиш харажатлари, тушлиги жамият ҳисобидан. Қайд этилишича, бу ерда турли байрамлар кенг нишоланади. Кўп йиллик меҳнати сингган ходимлар фахрий ёрлиқ ҳамда пул мукофоти билан тақдирланади. Дарвоқе, жамиятда «Маънавият соатлари» мунтазам ўтказилар экан.

— Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан цехлараро «Обод уйнинг доно қизлари» тадбири ўтказилди. Унда нотўқима, йигирув, тикув, тўқув цехларидан жами 8 нафар қиз беллашди, — дейди Д.Ғофурова. — Мақсад — қизлардаги одоб, ахлоқ, уларни оилага тайёрлаш, касбига меҳр уйғотиш, пазандачилик сирларини чуқур эгаллашига кўмаклашиш. Наврўз байрами ҳам кенг нишонланди. 504 нафар ходимга байрам дастурхони ёзилди, кўп йил самарали меҳнат қилган 20 нафар ишчига 200 минг сўмдан мукофот пули берилди.

Яна бир эътиборли томони, жамият ҳудудидаги 1,5 гектар ерда боғ барпо этилибди. Бу ердаги турли мевали ва манзарали дарахтлар, гуллар кўзни қувнатади. Деҳқончиликка ҳам катта эътибор қаратилган бўлиб, жамият ошхонаси учун полиз ва сабзавот экинлари, кўкатлар шу ерда етиштирилар экан.

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ


Қува тумани марказидаги Аҳмад ал-Фарғоний мажмуаси мустақиллик йилларида улуғ аждодларимизга кўрсатилган юксак эҳтиромнинг ёрқин намунасидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 ноябрдаги «Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори асосида улуғ ватандошимизнинг рамзий мақбараси, музейи барпо этилди. Шу ердаги Шаҳристон археологик ёдгорлиги таъмирланди, ободонлаштирилди. Шундан буён бу ер нафақат юртимиз аҳли, балки хорижлик сайёҳларнинг эътиборини тортиб келади. Бахтли турмуш остонасида турган ёш келин-куёвларнинг буюк бобокалонимиз муасини зиёрат қилаётгани қалбимизни фахрга тўлдирди. Кундан-кун гўзаллашиб бораётган шаҳарда Она ва бола реабилитация маркази алоҳида ажралиб турибди. Бу ҳам мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида саломатликка алоҳида аҳамият берилаётганидан далолатдир.

— Туман тиббиёт бирлашмамизда 306 нафар врач, 3020 нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият кўрсатади. Ўтган йили врачлардан 48 нафари, ўрта тиббиёт ходимларидан 435 нафари ўз малакаларини оширди. Уларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратганмиз. Жумладан, ходимларни моддий рағбатлантириш фондидан ўтган йил давомида 979 нафар ходимга 62 млн. 333 минг сўм устама, 216 нафар ходимга 23 млн. 781 минг сўм мукофот, 53 нафар ходимга 2 млн. 109 минг сўм моддий ёрдам берилди. Наврўз байрами арафасида бирлашмага қарашли муассасалар ўртасида «Энг яхши тез тиббий ёрдам шохобчаси», «Энг яхши ҚВП» номинациялари бўйича кўрик-танловлар ўтказилиб, ғолиблар қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош врачи И.Ҳасанов. — Жамоа шартномаси ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Негаки, ушбу ҳужжат иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда касб муносабатларини белгилайди. Шунингдек, бандлик ва ижтимоий кафолат мажбуриятларини ўзида мужассамлаштиради. Шу боис жамоа шартномаси ижроси таъминланаяпти.

* * *

Қува туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси 27 та цех ва 12 та гуруҳ бошланғич қўмиталарини бирлаштирган. Қайд этилишича, ўтган йили Устав бўйича тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси фаолиятини намунали тарзда олиб борилишини ташкил этишга доир тадбирлар режаси тузилиб, шу асосда муайян ишлар амалга оширилди. Барча цех ва гуруҳ қўмиталарига иш юритиш ҳужжатлари бўйича тавсиянома, буклет, китоб ва плакатлар келтирилиб, 4 та цех ва гуруҳ қўмитасига касаба уюшма бурчаги стенди тайёрлаб берилган.





— Қува тиббиёт коллежининг кам таъминланган талабаларидан 5 нафарига, янги ишга жойлашган ходимлардан 3 нафарига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. 24 нафар кам таъминланган ходим фарзандлари Тошлоқ туманидаги «Оқ олтин» болалар оромгоҳида бепул дам олдирилди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Матлуба Тешабоева. — Ютуқлар ҳам ғамхўрликка яраша бўлмоқда. «Энг ёш касаба уюшма фаоли» кўрик-танловида марказий шифохона ички касалликлар бўлими ҳамшираси Умида Ҳабибуллаева қатнашиб, тармоқ ичида 1-ўринни эгаллади. Сўнгра 9 та тармоқлараро танлов босқичида ҳам 1-ўринни олиб, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Касаба уюшма қўмитаси хонасида бошланғич ташкилот ҳаётидан сўзлагувчи кўплаб стендлар ўрин эгаллаган. Ташкилот томонидан туманда фаолият кўрсатаётган 24 нафар тиббиёт ходимининг Тошкент-Самарқанд-Бухоро шаҳарлари бўйлаб 5 кунлик саёҳати уюштирилганлигини ҳам қувониб сўзлашди. Улар Ватанимизнинг бутун дунёга довруғи кетган, чет мамлакатлардаги сайёҳларни ҳам лол қолдирган шаҳарлар ва қадамжоларда бўлишиб, фахр ва шукроналик туйғуси билан қайтишди.

Дарвоқе, йил давомида 153 нафар кам таъминланган ходимга 9 млн. 853 минг сўм моддий ёрдам берилди. 16 нафар ходим сиҳатгоҳларда имтиёзли дам олдирилди. Касаба уюшма маблағи ҳисобидан 21 нафар ходимнинг яқинлари сиҳатгоҳларда соғлигини тиклади. Бир ходимга «Чимён» сиҳатгоҳига бепул йўлланма берилди.

Касабақўм М.Тешабоева яқинда бўлиб ўтган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчиларининг I Республика форуми таассуротлари билан ҳам ўртоқлашди:

— Форумга вилоятдан уч киши бордик. Аввало, бу каби йирик тадбирда қатнашганимдан жуда хурсанд бўлдим. Тадбир давомида бошланғич ташкилотларнинг тизимдаги ўрни, иш берувчилар билан ижтимоий шериклик асосида ишлаш тамойиллари, «Ишонч телефонлари» тарғиботи ва бошқа масалалар бўйича тушунчалар олдик. Шунингдек, касаба уюшма ишини янада яхшилаш борасида фикр ва таклифларимизни билдирдик.

Жумладан, биз тиббиёт тизимидаги барча ташкилотлардаги «Ишонч телефонлари» рақамлари, бошланғичларга берилган имтиёзлар тўғрисида кўргазмали материаллар тайёрладик. Унда соҳада юз бераётган ўзгаришлар кўрсатиб ўтилган. Дарвоқе, соғломлаштириш хоналарини ҳам ташкил қилдик. У тренажёр зали, югуриш йўлакчалари зарур жиҳозлар билан таъминланган. Жадвал асосида барча ходимлар фойдаланишяпти.

ФАОЛЛИККА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

Сафаримиз давомида туман таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси кенгашида бир гуруҳ касаба уюшма фаоллари билан ўтказилган давра суҳбатимиз ҳам бошланғич ташкилотлар фаолияти ва уларни янада такомиллаштириш борасидаги қизиқарли фикрларга бой тарзда кечди. Унда Агросаноат, Таълим, фан ва маданият, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Соғлиқни сақлаш, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш каби тармоқ касаба уюшма бошланғич ташкилотлари етакчилари иштирок этишди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Дадажонов давра суҳбатини очар экан, жумладан, шундай деди:

— Барчангизга маълум, касаба уюшмалари фаолиятини намунали ташкил этиш борасида мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Қува туманида ҳам бу борада жиддий силжишлар кузатилди. Бунга бир қанча бошланғичлар фаолияти мисолида ҳам гувоҳ бўлдик. Шунга кўра, давра суҳбатимизда касаба уюшма тизимидаги ўзгаришлар ва галдаги вазифалар ҳақида фикрлашсак.

Гулнора САЙБЕРДИЕВА, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бўлим мудири:

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан бу йилнинг тизимда бошланғич ташкилотлар йили деб эълон қилиниши сиз фаолларга катта масъулият юклайди. Мана бир неча кундан буён Қува туманида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдик.

Албатта, касаба уюшма иши осон эмас, ўзига хос масъулияти бор. Ҳар бир ходим билан индивидуал ишлаш, уни қийнаётган саволлардан хабардор бўлиш зарур. Энг муҳими, иш самарадорлигини оширишда ташаббускор ва фаол бўлиш касаба уюшма етакчисининг бурчи эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Шароитдан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномасига қўшимча имтиёзлар киритиб бориш, уларнинг чекка қишлоқ, туманлардаги корхона, ташкилотларгача етиб боришини таъминлашимиз, ижросини назорат қилиб боришимиз керак.

Оминахон ҲАСАНОВА, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Ўқув спорт-техника клуби касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Бошланғич ташкилотимиз маъмурият билан тузилган жамоа шартномаси асосида иш олиб боради. Ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Уларга бепул иссиқ овқат ташкиллаштирганмиз. Бундан ташқари, ҳозирда дам олиш хонасини зарур жиҳозлар билан таъминлаш борасидаги ишлар жадал олиб борилаяпти. Бошланғич ташкилотлар молиявий имкониятининг кенгайтирилиши эса меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя каби масалаларга жиддий эътибор қаратиш имконини берди. Бундан унумли фойдаланиш эса ўзимизга боғлиқ.

Равшаной АҲМЕДОВА, Қува тумани 1-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Мактабимизда 165 нафар ходим фаолият юритади. 2000 дан зиёд ўқувчи таълим олади. Яқинда касаба уюшмаси хонаси зарур жиҳозлар билан таъминланди. Бу, аввало, ташкилотимиз фаолиятини янада самарали ташкил этиш имконини яратса, иккинчидан, иш берувчининг касаба уюшма фаолиятига хайрихоҳ эканидан далолат. Бундан ташқари, ўқитувчиларнинг дам олиш хонаси ҳам барча жиҳозлар билан таъминланган.

Турли байрамларда ходимлар, фахрий устозлар ҳолидан хабар олиб турамиз. Маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ҳам диққат-марказимизда. Жумладан, «Маънавият соатлари» ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бугунги ислоҳотлар мазмун-моҳиятини англашларида қўл келаётир.

Иброҳимжон ҚУНДУЗОВ, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси:

— Касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатини қамраб олишга ҳаракат қиладиган, уларнинг ҳуқуқини ҳимоялашда бош-қош бўладиган ташкилот ҳисобланади. Тизимдаги корхоналарда бунга эришяпмиз. Йил сайин ходимларнинг бевосита манфаатдорлик даражаси ортиб боряпти. Касаба уюшмасига фақат дам олишга йўлланма берувчи ташкилот сифатида эмас, балки меҳнат ҳуқуқи билан боғлиқ масалаларни ҳал эта оладиган куч сифатида ҳурмати ошиб боряпти.

Шу билан биргаликда ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш иш самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этишини иш берувчига тушунтириш яхши самара беради, деб ҳисоблайман.

Нодирахон ХОЛБЕКОВА, Қува туман ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Ободонлаштириш бошқармасида жорий йилдан фаолият бошладим. Бошқармада 420 нафар ходим ишлайди. Шаҳримиз, туманимизни ободонлаштиришда уларнинг хизмати беқиёс. Жумладан, 1868 та кўчат ўтқаздик, ўнлаб километрлик ариқлар тозаланди. Шунга монанд, ходимларни рағбатлантириш, манфаатдорлик даражаси ортиб бориши учун кўплаб ишларни амалга ошираяпмиз. Турли байрамларда ходимларни мукофотлаш, рағбатлантиришни йўлга қўйдик. Улар учун дам олиш хоналари ташкил этилди.

Қизғин фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган давра суҳбати йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Акмал ТОШЕВ,
Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбирлари.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Ishonch
2013-yil 16-aprel № 48 (3241)



ШИНАМ УЙЛАР — ОБОД ТУРМУШ ТИМСОЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

«Қирқдархон» — Қорадарёнинг майин шабадаси эсиб турадиган сўлим маскан. Оқдарёликлар янги қишлоқ бунёд этишни ана шу гўшадан бошлаган бўлиб, 2010 йилда 15 та, 2011 йилда 69 та, 2012 йилда 169 та намунавий лойиҳа асосида турар- жой бинолари барпо этилди. Шу кунларда ҳам бу ерда қурилиш ишлари жадал олиб борилаётир. Аҳоли талаб ва истаклари инобатга олинган ҳолда яна 140 та янги уй барпо этилмоқда.

— «Қирқдархон» туманимиздаги энг гўзал ва сўлим қишлоққа айланди, — дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Оқдарё туман кенгаши раиси Мамарасул Бобоев. — Янги уйларда барча шароит яратилган. Айниқса, болалар хонаси, ошхона, ички коммуникация тизимларининг мукаммал яратилганлиги барчага манзур бўлмоқда.

Янги қишлоқдаги саранжомлик, тартиб кишини лол қолдиради. Замонавий қишлоқ врачлик пункти, чойхона, янги мактаб, шунингдек, банк хизмати, савдо, маиший, тиббий ҳамда умумий овқатланиш шохобчаларидан иборат мажмуа барпо этилди. Айниқса, ижтимоий инфратузилма объектлари фуқаролар мушкулини енгил қилаётир.

Мавзеда яшовчи Элмурод Хидировнинг асли касби ўқитувчи. Янги уйга эга бўлиш истаги дилида яширин эди. Намунавий лойиҳа асосида уйлар қурилиши унинг орзусини рўёбга чиқарди. Давлатимизнинг ёш оилаларга эътибори ва ғамхўрлигидан кўпчилик қатори Хидировлар хонадони ҳам бахраманд бўлди.

— Қўлимизга янги уй калити топширилган кунни сира унутмаймиз, — дейди Элмурод Хидиров. — Банк кредити эвазига барча шароит муҳайё этилган уйга эга бўлдик. Катта меҳмонхона, ошхона, алоҳида болалар хонаси, ҳатто автомашинани сақлаш учун гаражгача бор. Сув, газ ва электр энергияси асбоб-анжомлари ўта замонавий. Қўл чигилини ёзиш учун томорқа, дил чигилини ёзиш учун гузар бор. 2013 йил охиригача мавзеимизда бизникига ўхшаш уйлар 393 тага етар экан. Элга-эл қўшилса — бойлик, дейди донолар. «Қирқдархон»да бизга ўхшаган бахтиёр оилалар сони янада ошишидан мамнунмиз.

Самарқанд туманида тикланган «Янгиариқ» мавзеси ҳам ана шундай эл эътирофига сазовор масканлардан. Бу ерда 2013 йил охиригача 455 та янги уй қуриб битказилади. Аллақачон янги уйларда яшашга кўникиб қолган оилалар кўп. Тўрт нафар фарзандининг отаси Ўткир Нурмуҳаммедов шулардан бири.

— Намунавий лойиҳа асосида қурилган аҳоли тураржой мавзеларида хизмат турлари мукаммал бўлишига ҳаракат қилинаяпти, — дейди «Қишлоққурилишбанк» ОАТБ Самарқанд вилоят филиали бошқарувчиси ўринбосари Шерзод Сувонқулов. — Хусусан, «Янгиариқ»да ўтган йили, «Қирқдархон»да бу йил мини банк очдик. Мақсадимиз аҳолига яратилган имкониятлар салмоғини янада оширишдир.


Дарҳақиқат, ҳавас қилса арзигулик уй-жойлар қишлоқларга чирой, юрт кўркига-кўрк қўшмоқда. Зеро, замонавий уйлар обод ва фаровон турмушимиз асосидир.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ибрат

Жомбой туманидаги Ҳолвойи ҚФЙ раиси Башорат Шамсиева ташаббуси билан «Саричашма» МФЙда яшовчи Холбоевлар хонадонида «Турмуш фаровонлиги меҳнатда» мавзуида семинар ўтказилди.

ХОНАДОНДА СЕМИНАР



Аввалбоши қатнашчилар хонадон соҳиблари ўз томорқаларида олиб бораётган ишлар билан яқиндан танишишди. 15 турдан ортиқ зироатчилик экинлари, 20 хилдан зиёд мевали дарахтлар барчанинг диққатини тортди.

— Ҳамма гап муносабатда. Ҳар бир гиёҳ, мевали ва декоратив дарахт ниҳоли, боқилаётган уй ҳайвонлари меҳр билан парвариш қилинса, натижа чакки бўлмайди, — дейди хонадон соҳибаси, педагог Гулнора Шокирова. — Бир йилда уч марта алмашлаб экиш натижасида сабзи, пиёз, картошка, помидор, бодринг, кўкатлар, карам, саримсоқ ва анзур пиёзи каби полиз маҳсулотари ҳамда мош, ловия, нўхат сингари донли экинлар етиштирамиз. Бир қисмини ўзимиз истеъмол қиламиз, қишга захира тайёрлаймиз. Ортганини сотиб, йилига 11-12 миллион сўм миқдорида даромад оламиз. Бундан ташқари, мевали дарахтлардан ҳам фойда кўрамиз. Яна еттита қорамол, шулардан иккитаси соғин сигир, 10 бош қўй, товуқ ва қуёнларимиз бор. Мазкур даромадлар ҳисобига турмушимиз даражаси йил сайин ортиб бормоқда. Тўйлар қилдик.

— Холбоевлар сингари оилалар ҳудудимизда яна бор, — дейди Башорат Шамсиева. — Аммо беш бармоқ баробар бўлмаганидек, ҳолва пиш, оғзимга туш, — деб ўтирадиганлар ҳам йўқ эмас.

Тадбирда туман ҳокими ўринбосари Умид Маматов, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси Алишер Исломов иштирок этишди.

Ҳулкар
МАМАТМУРОДОВА

Бандлик

Оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш ғояси Президентимиз томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган бўлиб, унда «...бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келганлиги, мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келиш...»и таъкидланган эди. Бу фикрларни ҳаётга тўла-тўкис тадбиқ этиш механизми 2012 йилнинг 26 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунида ўз ифодасини топди. Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Одилжон Амиров шундай дейди.

ОИЛАВИЙ КОРХОНАЛАР

— Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий сиёсий ҳаётида муҳим воқеа, иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан эса жиддий янгилик бўлди. Чунки, дунё мамлакатлари қонунчилиги, жумладан, бизнинг қонунчилигимиз тарихида ҳам шу кунга қадар бизнеснинг «оилавий корхона» тарзидаги ҳуқуқий шакли кузатилмаган эди.

Мазкур Қонунда оилавий тадбиркорлик икки хил тарзда, яъни юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликнинг шакли ҳисобланган якка тартибдаги тадбиркорлик кўпчиликка таниш бўлганлиги сабабли, биз юридик шахс ташкил этган оилавий табиркорлик тўғрисида сўз юритамиз.

Юридик шахс ташкил этган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхона ҳисобланади. Бу қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, оилавий корхона ўз иштирокчиларининг ихтиёрий ва ўзаро қариндошлиги асосида ташкил этилади.

Иккинчидан, оилавий корхона фаолияти иштирокчилари меҳнатига асосланади. Бу эса қариндошлардан таркиб топган оилавий корхона аъзоларининг бир мақсад йўлида ҳаракат қилишини таъминлайди.

Учинчидан, оилавий корхона юридик шахс ҳисобланади ва унинг иштирокчилари сони икки кишидан кам бўлмаслиги керак.

Тўртинчидан, қонуннинг 4-моддасида оилавий корхона иштирокчилари ва ёлланма ходимлар умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Оилавий корхона кичик бизнес субъекти ҳисобланади ва у кичик бизнес субъектига нисбатан қўлланиладиган барча имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

Бешинчидан, оилавий корхона умумий мулк негизида ташкил қилинади, аммо фарзандлар ўз мулки ёки маблағи бўлмаса ҳам шахсий меҳнати билан фаолиятда қатнашишлари мумкин.

Олтинчидан, оилавий корхонанинг бошлиғи иштирокчилар умумий йиғилишида ўзаро келишилган ҳолда сайланади ва у фақат иштирокчилардан бири бўлиши шарт. Ёлланма ишчи корхона бошлиғи бўла олмайди.

Еттинчидан, оилавий корхона оила яшаб турган турар-жойда фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни шу жойнинг ўзида сотиши мумкин.

Оилавий корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Қонунда қуйидагилар назарда тутилган. Масалан, оилавий корхона иштирокчилари корхона устав фондини энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан паст бўлмаган миқдорда мустақил ҳолда белгилайди. Оилавий корхоналар ишлаб чиқариш фаолияти учун фойдаланиладиган турар жойларни нотурар жойларга ўтказиш талаблари мавжуд эмас. Оилавий корхона иштирокчилари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин уларнинг тасарруфига келиб тушган фойдага солиқ солишдан озод этилади. Коммунал инфратузилма хизматлари ҳамда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланилган тўлов ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади. Оилавий корхона Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқланган рўйхатга кўра, ўзи ишлаб чиқарган халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод этилади.

Оилавий корхоналарга қаратилган эътиборнинг яна бир жиҳати шундаки, унинг иштирокчиси ёки ёлланган ишчиси ижтимоий ҳимояланади. Жумладан, ҳар бир ишчи-ходимга меҳнат дафтарчаси юритилади, у иш стажига эга бўлади. Пенсия ёшига етганда эса нафақа олиш имконияти яратилади.

Суҳбатдош:
Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

2013 йилдан касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги «Ишонч телефонлари» фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида тармоқ Марказий кенгашларида ҳам Ишонч телефонлари жорий этилди. Шунингдек, фуқароларнинг интернет тармоғи орқали мурожаатлари бўйича янги электрон yuridik@kasaba.uz почта манзили ҳам фаолият бошлади.
Тармоқ Марказий кенгашлари тизимида жорий этилган «Ишонч телефонлари» қуйидагилар:

№	Марказий кенгашлар номи	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон авиаходимлар касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 140 46 77
2.	Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 256 86 59 8 (371) 202 45 83 8 (371) 202 45 84
3.	Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 256 78 48
4.	Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 256 02 15 8 (371) 241 24 04 8 (371) 242 09 31
5.	Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 256 54 86
6.	Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 237 93 03
7.	Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 256 43 58
8.	Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 281 51 85 8 (371) 281 51 86
9.	Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 256 70 32 8 (371) 252 14 57
10.	Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 252 11 53 8 (371) 234 28 70
11.	Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 256 57 67

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва ҳудудий бирлашмалар Ишонч телефонлари қуйидаги жадвалда акс эттирилган.*

№	Вилоятлар	Телефон рақамлари	№	Вилоятлар	Телефон рақамлари
1.	Андижон вилояти	8(374) 224-56-42	8.	Сурхондарё вилояти	8(376) 223-16-06
2.	Бухоро вилояти	8(365) 223-49-94	9.	Сирдарё вилояти	8(367) 225-14-98
3.	Жиззах вилояти	8(372) 226-09-34 8(372) 226-56-40	10.	Фарғона вилояти	8(373) 224-80-16
4.	Қашқадарё вилояти	8(375) 225-21-75	11.	Хоразм вилояти	8(362) 226-44-66
5.	Навоий вилояти	8(436) 226-01-15	12.	Тошкент вилояти	8(371) 256-52-69
6.	Наманган вилояти	8(369) 226-85-98	13.	Тошкент шаҳри	8(371) 253-71-79
7.	Самарқанд вилояти	8(366) 235-67-34	14.	Қорақалпоғистон Республикаси	8(361) 222-68-63

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Ишонч телефони: 8(371) 256-48-81.

* Ишонч телефонлари ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 09:00дан 18:00гача фаолият олиб боради.

Тадбир

ДУНЁДА КАСБЛАР КЎП

Ғаллаорол туманидаги 24-умумтаълим мактаби битирувчилари учун фан кечалари, «Очиқ эшиклар» кунлари уюштирилиб, касб танлашига қаратилган тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Яқинда 62 нафар йигит-қиз иштирокида «Дунёда касблар кўп» мавзуида кеча ташкил этилди. Унга туман ижтимоий-иқтисодий ҳамда саноат касб-ҳунар коллежлари вакиллари, фермер ва тадбиркорлар таклиф қилинди.

Учрашувда инсон қандай ишни бажармасин, уни қадрлаши, тинимсиз изланиши кераклиги ҳақида сўз борди. Шунингдек, коллеж вакиллари томонидан ўқув юрти ҳаёти ва ўқув-тарбия ишларини акс эттирган кўргазмали материаллар, стенд ва буклетлар ҳам намойиш қилинди.

Тадбирда мактаб амалиётчи психологи Саида Умарова, 9-синф раҳбари Шукур Бўронов, Ғаллаорол туман Мирзабулоқ ҚФЙ ҳудудидаги тадбиркор Замира Қурбонова замонавий касб ва ҳунарларнинг иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги аҳамияти ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

Реклама ва эълонлар

Вниманию организаций и предприятий!
ИК по КС Хокимията Навоийской области.
ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

На объект: **«Строительство зданий Канимехского отделения УСНБ по Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 820 023 933 сум, с НДС 984 028 720 сум.**

Срок завершения строительства — **8 месяцев.**

Заказчик **ИК по КС Хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий, ул.Навоий-63.**

Финансирование осуществляется **за счет средств местного бюджета.**

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов при участие конкурсных торгах должны иметь соответствующую лицензию к выполнению работ на оборонных объектах.

ИК по КС Хокимията Навоийской области.
ПОВТОРНО ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

На объект: **«Детский спортивный комплекс тип 2 в г.Нурата Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 1 740 167 883сум, с НДС 2 088 201 459сум.**

Срок завершения строительства **10 месяцев.**

Заказчик **ИК по КС Хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий, ул.Навоий-63.**

Финансирование осуществляется **за счет средств фонда развития детского спорта.**

(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел. 22.5.49.96, 22.5.47.98

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А,

тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

Услуги лицензированно

«Navoiy mulk markazi» MCHJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Навоий вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 24.12.2012 йилдаги 05-19.01/1943 -сонли хатига асосан, Учқудуқ шаҳар Олтинтоғ кўчаси 27-уйда сақланаётган қуйидаги техник носоз ҳолатдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Дамас» русумли, 1997 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 85 539 ВАА. Бошланғич баҳоси — 3 744 670 сўм. 2. «УАЗ-396202» русумли, 2002 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 85 543 ВАА. Бошланғич баҳоси – 2 569 772 сўм. 3. «УАЗ-396202» русумли, 2002 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 85536 ВАА. Бошланғич баҳоси — 953 306 сўм.

Савдо 2013 йил 17 май куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 15 май куни соат 18:00.

Савдо ғолибига 5 иш куни ичида тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ «Ипотека банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт:20208000704943164001, МФО 00205, ИНН: 302132768.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: (8-436) 224-64-31. **Гувоҳнома № 1605. www.rmm.uz .**

Ishonch
2013-yil 16-aprel № 48 (3241)

Болалар спорти

«Ўзбек қизлари қайси замонда бўйинларига шода-шода медаллар таққан эди?!» Бу фахр-ифтихорга тўла сўзлар салкам саксон ёшни қоралаётган қумқўрғонлик нуроний Файзи бобо Маматмуродов қалбидан отилиб чиқди. Мустақиллик туфайли нафақат ўғлонларимиз, қизларимиз ҳам нуфузли спорт турнирларида юртимиз байроғини баланд кўтаришмоқда. Бундан 10 йил илгари мамлакатимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганди. Жамғарма ҳомийлик маблағлари ҳисобидан шаҳару қишлоқларимизда замонавий спорт заллари, иншоотлар ва барча қулайликка эга стадионлар барпо қилинди.



БАРЧАСИ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН

Жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам 2003-2012 йилларда жамғарма томонидан кўплаб замонавий спорт иншооти ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, капитал реконструкция қилинди. Уларнинг 72 таси мактаб спорт заллари, 5 таси сузиш ҳавзаси, 15 таси намунавий спорт иншооти, 16 таси болалар спорти объектлари ҳамда 11 таси болалар мусиқа ва санъат мактабларидир. Бу иншоотлар қурилиши ва капитал реконструкцияси учун қарийб 20 миллиард сўм сарфланди.

Шу билан бирга, улар энг сўнгги русумдаги спорт жиҳозлари билан таъминланди. Мамнуният билан таъкидлаш керакки, аввалари спорт кийим-кечаклари бошқа шаҳарлар ва чет давлатлардан келтирилган бўлса, бугун вилоятнинг ўзида спорт жиҳозлари ишлаб чиқарадиган 5 та корхона фаолият кўрсатяпти. Уларда 47 турдаги спорт анжомлари ва кийим-кечаклари тайёрланмоқда. Энг асосийси, бу анжомлар сифатли ҳамда пишиқ-пухталиги, бежиримлиги жиҳатидан хорижникидан қолишмайди.

Ҳозирда фаолият кўрсатаётган спорт иншоотларида 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 222,7 минг нафар ўғил-қиз шуғулланмоқда. Янги-янги тўгараклар очилмоқда. 2004 йил ёшлар спортнинг 12 тури билан шуғулланган бўлса, ҳозирда спорт турлари 31 тага кўпайди.

Бугун ушбу масканларда 579 нафар, жумладан, 121 нафар хотин-қиз мураббий меҳнат қилмоқда. Улар орасида халқаро тоифадаги спорт устаси ва спорт усталигига номзодлар бор.

— Айтиш керакки, ҳудудда 18 та қурилиш-пудрат ташкилоти мазкур иншоотларни барпо этишга ихтисослашган.


Жамғарманинг 2013 йилга мўлжалланган манзилли дастури лойиҳасига асосан 7 та болалар спорт объектини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, 3 та мусиқа ва санъат мактабининг янги бинолари қурилиши ҳамда мавжуд сузиш ҳавзасини янгидан қуриш режалаштирилган. Бу ишлар учун 14,3 млрд. сўм ажратилади.

— Албатта, Президентимиз томонидан болалар спортига берилаётган эътибор бесамар кетмаяпти. Енгил атлетикачи Ситора Ҳамидова, Анастасия Бойко, курашчи Шоҳиста Сафарова, Соҳибжамол Холиқулова, Сокина Мелиқулова, боксчи Расул Жўраев, Баҳодир Дадахонов, каратэчи Ўктам Бекпўлатов, Барно Мирзаева, от спортчиси Файрат Назаров, шахматчи Райҳона Дониёрова, Ирода Ибрагимова, футболчи Станислав Андреев, Виктор Мачалов ва бошқалар ўзлари танлаган спорт турлари бўйича мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишмоқда, — дейди жамғарманинг вилоят филиали директори Ф. Абдурасулов.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Маънавиятли одамлар

Набираси Умидахон билан Бурҳон ака ҳовлининг ўнг томонида жойлашган, чоғроққина хона томон юришади. Бурҳон аканинг бор бойлиги мана шу хонада жамланган. Бу унинг кутубхонаси.



КИТОБ ОШУФТАСИ

— Бобо, мунча китобни нима қиласиз? — илгари ҳам бир неча бор берилган саволини яна такрорлайди Умида.

— Булар менинг ўтмишим, бугуним, келажагим. Сендек бола пайтимдан меҳр қўйган дўсту биродарим ҳам, насиҳатгўйим ҳам ана шу китоблар. Худди сизларни авайлаган каби авайлаб келаяпман уларни. Бироқ кўриб турганингдек, жавонларимга сиғмаганлари пастда турибди. Яна янги жавон сотиб олиш керак.

Бобосининг китобларга қараб ўйга толганини кўрган Умида уни чалғитишга уринади. Ўзи ўқиган китоблардан айтиб бериб, бобоси билан баҳс бойлашади. Сўнг:

— Бобожон, сизга аталган шеърим бор, эшитинг, — дейдию завқ билан ёддан айта бошлайди:

Табассумлар ҳамроҳи, эртаклар сўзлар гоҳи,
Умрингиз гард кўрмасин, суянчиғим, бобожон,
Меҳрибоним, бобожон...

***

Ён-атрофингизда китобсеварлар кўпми? Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда дунё миқёсида китобхонлик даражаси пасайишда давом этмоқда. Буни мутахассислар даврнинг ўзига хос табиати ҳамда одамларнинг вақтга муносабати билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини таъкидлашмоқда ва бу турли мисоллар билан изоҳланмоқда. Жаҳон билан қиёслаганда, бизда бу борада аҳвол бирмунча яхшироқ экани ҳам қайд этилаяпти. Барибир бир нарсани очиқ айтишга тўғри келади. Бугун янги уй, янги ҳовли, янги машина, мебел ва ҳоказо-моддий бойликка бўлган қизиқиш кучлироқ. Бироқ тан олиш керакки, ҳаммамизнинг ҳам уйимизда хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, шахсий кутубхонамиз бор. Кимдир ҳақиқий китобхон бўлганидан, кимдир ўзининг зиёли, маданиятли эканини билдириш учун, яна биров шкафни чиройли китоблар билан безашга қизиққани боис тўплайди уларни. Аммо «ашаддий» китобхонлик...

Ёш авлодни китобга беэътиборликда айблаймиз. Ким билсин, бизнинг ҳам ёшлигимиз бугунгидек ахборот технологиялари ривожланган даврга тўғри келганда, китобга бўлган қизиқишимиз иккинчи ўринга тушиб қолармиди?! Биз ахир компютер, мобил телефон, айфон, интернет ва ҳоказоларга эмас, китобларга меҳр қўйиб улғайгандик-да! Барибир савол бергим келади. Бугун ана шу қизиқишларимиз нега хира тортиб бормоқда?

Бу саволга жавоб излаб, аввало, жамиятнинг зиёли қатлами — мактаб, коллеж ва олийгоҳларда фаолият юритаётган ўқитувчилар билан суҳбатлашдик. Ўн кишидан (исм-шарифларни очиқ ёзишни истамадик) фақат икки нафари газета-журнал ўқиб туришини, бугун кўпчиликда китоб ўқишга вақт етишмаслигини билдирди. «Сериаллар кўраяпмиз, шуям китоб ўқигандай гап-да», дея таъкидлаб ҳам қўйишди.

Изоҳга ҳожат бўлмаса керак. Биз кўпинча вақт шиддатини баҳона қиламиз. Аслида, қизиқишларимизни ўғирлаётган бошқа нарсалардир.

Маълумки, бугун Oriflame, Faberlic, Infinium ва бошқа чет эл компанияларининг маҳсулотлари кириб бормаган хонадон кам топилади. Ҳар бир корхона, ташкилот ёки ўқув муассасасида ушбу компанияларнинг аъзолари, диллерлари бор. Айниқса, ўқитувчилар орасида бундай аъзолар кўпроқ. Чунки тақдим этилган маҳсулотларни сотиш учун уларда аудитория кенгроқ. Аъзолар тақдимотларда қатнашиш, маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни харидорга тушунтириш учун соатлаб вақт сарфлашади. Бунинг ортидан ойма-ой совғалар ва қўшимча даромад олинади. Бир қарашда бунинг ҳеч қандай ёмон жойи йўқдек. Оиланинг, рўзғорнинг моддий аҳволини яхшилаш пайида бўлишнинг нимаси ёмон?! Фақат бир нарсани унутмасак бўлгани: ишлаб турган касбимизни эгаллашда, дунёнинг оқ ва қора рангларини фарқлашда ёрдам берган, ҳаёт сўқмоқларида қоқилганда тўғри йўл кўрсатган китоблар эмасми?! Сабр қилишни ҳам, шукрга юкинишни ҳам ўргатган у эмасми?! Ана шу садоқатли дўстимизни унутишга ҳаққимиз борми?!

***

Китоблар қаршисида жамики нарсалар нурсиз бўлиб қолади, деган эди машҳур ёзувчилардан бири А.П.Чехов. Бу фикр кўпроқ Чехов даврида аҳамиятли бўлганмикин, деган бир чети ҳазиломуз, бир чети оғриқли савол туғилади. Йўқ, дейди яна ичимдан бир овоз. Бугун ҳам китобни ҳар нарсадан устун қўювчи кишилар бор. Яқинда худди шундай бир инсон билан танишдим. У карманалик Бурҳон Жўраев. «Ашаддий» китобсевар. Тумандаги «Калавот» МФЙ ҳудудида яшайди. Унинг оддийгина, кичкина ҳовлисида каттакон кутубхона борлигини кўпчилик билади. Касби ҳам оддийгина — монтёр. Икки йил бурун нафақага чиқиб, ўзининг севимли машғулоти — янги китоблар тўплаш ва ўқишда давом этмоқда. Айни пайтда унинг шахсий кутубхонасида 6 мингдан зиёдроқ китоб бор. Бу кичикроқ бир мактабнинг кутубхона фонди билан тенг деган гап. Олим, ўқитувчи ёки журналистнинг уйида шунча китоб бор, дейилса ҳеч ким ажабланмайди. Касби тақозо қилган тўплаган-да, деб қўяверамиз. Бир монтёрнинг китобга бўлган бу қадар эътибори, қизиқиши эса унинг маънавий бойлигидан далолат эмасми?! Аслида, маънавий бойлик касб танламайди.

Бурҳон ака билан бўлган самимий суҳбатимиздан сўнг бунга яна бир бор амин бўлдим.

— Ўн ёшларимдан бошлаб китобга меҳрим тушганди, — дейди у қўлидаги китобни меҳр билан жойига қўяркан. — У пайтда китоб сотиб олиш учун имкон йўқ эди. Кейинчалик мактабни битириб, ишга кирдим. Олийгоҳда ўқишга шароит бўлмади. Ўзим ишлаб пул топа бошлагач, кўплаб янги китоб сотиб олдим. 60-йиллардан бошлаб тўплаган китобларим бор, бу ерда. Китобнинг баҳоси ҳеч қачон қизиқтирмаган. Қаерга бормай, биринчи бўлиб китоб дўконига кираман. Ўзбек адибларидан Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод асарлари, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф шеърларини яхши кўраман. Чет эл адабиётидан Агата Кристи, Александр Дюма, Валентин Пикулни қизиқиб ўқийман.

Хонанинг айланасига қўйилган жавонларда икки қатордан қилиб терилган китобларга кўз югуртираман. Классик адабиёт намояндаларидан тортиб, чет эл адабиёти йирик вакилларининг том-том асарлари, энциклопедиялар, изоҳли луғатлар, саломатлик, касб-ҳунар, пазандаликка оид турли қўлланмалар. Низомий Ганжавийнинг 5 томлик, Алишер Навоийнинг 20 томлик, Абу Али ибн Синонинг 10 томлик, Толстойнинг 12 ва 14 томлик, С. Шчедриннинг 10 томлик (ва ҳоказо) асарлари тўплами кўзни қувонтириб турибди.

— Мана Моруа, мана Бунин, ана Чингиз Айтматов, — дея ёш бола сингари завқ билан сўзлайди Бурҳон ака ва сара асарларни олиб, авайлабгина қўлимизга тутқазади.

Жаҳон адабиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган буюк ёзувчиларнинг дурдона асарлари қаршисида туриб, бир донишмандниг гапи ёдимга тушади: китоб йиғиш дорилфунуннинг ўзгинаси.

Дорилфунун яратган бу инсонга қараб, ҳавас қилдик.

Холида ФАЙЗИЕВА,
журналист

Соғлом турмуш тарзи

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чилонзор туман кенгаши, туман хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, «Камолот»ЁИҲ ҳамда маданият ва спорт бўлимлари ҳамкорлигида 168-умумтаълим мактабида «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида мусобақа ўтказилди.

МУРОСАСИЗ ВА ЗАВҚЛИ



Унда 131-, 138-, 163-, 178-, 179-, 195-, 200- ва 281-умумтаълим мактабларининг 96 нафар ўқитувчи ва ишчи-ходимлари спортнинг шахмат, шашка, енгил атлетика, стол тенниси ва оилавий мусобақа турлари бўйича беллашдилар.

— Таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, мусобақаларга меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини жалб этиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ушбу мусобақани ташкил этдик, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чилонзор туман кенгаши раиси Ўлмас Қаҳҳорова. — Қолаверса, бу каби спорт мусобақалари уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга, иш унумдорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Қизғин ва муросасиз кечган баҳсда ғолиблик стол тенниси бўйича 281-мактаб, енгил атлетика бўйича 195-мактаб жамоасига насиб этди. Шахматда 179-мактаб (эркаклар), 281-мактаб (аёллар) жамоасининг қўли баланд келган бўлса, шашкада 163-мактаб (эркаклар), 138-мактаб (аёллар) жамоаси устунлик қилди. Оилавий мусобақаларда 131-мактаб жамоасининг Муродовлар оиласи рақиблари орасида тенгсизлигини амалда исботлади.

— Шахмат ўйини севимли машғулотларимдан бири, — дейди 138-мактабдан ташриф буюрган Гулнора Абдураҳмонова. — Бу спорт тури билан мунтазам шуғулланаман. Шу сабаб бўлса керак, бугунги баҳсда ғолиб чиқдим. Айниқса, ҳамкасблар билан дона суришнинг гашти бўлакча экан. Мусобақа баҳона улар билан яқиндан танишдим. Бу каби мусобақалар янада кўпроқ ўтказилишини истардим.

Мусобақа ғолиблари Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чилонзор туман кенгаши томонидан фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Мактаб ўқувчиларининг бадиий чиқишлари иштирокчиларга ўзгача завқ улашди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Кўпкари



«Orient voyag» ва «Qizilqum safan» сайёҳлик компаниялари томонидан Навоий вилоятнинг Конимех ҳамда Нурота туманлари чегарасидаги Дўнгалак қишлоғида кўпкари беллашуви ташкил этилди.

САЙЁҲЛАР КЎЗ ЎНГИДА...

Европанинг учта сайёҳлик бўлими меҳмонлари ҳам майдонда ҳозир бўлдилар. Ўйин аввалида фолклор жамоаларнинг чиқишлари қатнашчиларга хуш кайфият улашди.

Дания, Франция ва Болгариядан келган сайёҳлар кўпкарини илк бора томоша қилаётганлари ва беллашув уларда катта таассурот қолдирганини қайд этишди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ

Ички туризм

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зомин туман кенгаши томонидан туризмга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ТОҒТЕРАКДАН — БЎСТОНЛИҚҚА

Олис Тоғтерак қишлоғидаги 36-умумтаълим мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилоти ва маъмурият ҳамкорлигида жамоанинг Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани бўйлаб саёҳати уюштирилди.

— Юртимиз табиати бетакрор. Айниқса, тоғолди ҳудудлар кўрки кишини ўзига мафтун этади. Гарчи ўзимиз ҳам тоғ қўйнида яшасак-да, Бўстонлиқ манзараси биз сайёҳларга жуда манзур бўлди, — дейди бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси К.Мамаюсупов.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

«Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси Муборак газни қайта ишлаш заводи қурилаётган корхоналар Дирекциясининг бўлим бошлиғи, касаба уюшма қўмитаси раиси

Курбонмурод ХУСАИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar: Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: J.Ergashev

Bosishga topshirish vaqti - 04. 30
Topshirildi - 05. 00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 411 | 20265 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5